2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 129 (385), 2021 йил 26 июнь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТОПИШИМИЗ ЗАРУР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 25 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, корхоналар фаолияти билан танишди.

Пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тирбандликларнинг олдини олиш, пиёдалар учун қулайлик яратиш мақсадида кўплаб кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилмоқда.

Бундан бир йил олдин давлатимиз раҳбари Сергели туманини пойтахтимиз маркази билан боғловчи йўл ва кўприк лойиҳаси билан танишган эди. Ўтган йили 26 декабрь куни ушбу йўлнинг муҳим қисми бўлган Қипчоқ кўчасидаги кўприк очилди. Бугунги кунда ушбу кўприкдан Чўпонота кўчасигача янги йўл ва йўл ўтказгичлар барпо этилмоқда.

Кичик ҳалқа йўли ва Салар канали устида қурилаётган кўприкнинг узунлиги 788 метр, чиқиш-тушиш қисми билан ҳисобланганда 950 метр бўлади.

Давлатимиз раҳбари дастлаб ушбу кўприкни бориб кўрди.

Ўзига хос муҳандислик ечимига эга бу иншоот монолит услубида, бетон аралашмаси ичидаги темир тўқималарни таранг тортиш технологияси асосида бунёд этилмоқда. Бу хавфсиз бўлиши билан бирга қуриш учун жуда қулай. Хусусан, бу ердаги ишлар ҳам Кичик ҳалқа йўли ва темир йўлдаги қатновни тўхтатмаган ҳолда давом эттирилмоқда.

— Бу арзон, мустаҳкам, халқимизга ҳам маъқул технология. Келажакни ҳисобга олиб, ҳали кўп жойда кўприклар қурамиз. Шунинг учун мутахассислар ва талабаларни бу ерга олиб келиб, жараённи кўрсатиш, замонавий технологияларни ўргатиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу кўприкдан Қипчоқ кўчасигача 6 километр йўл қурилмоқда. Тошкент ҳалқа автомобиль йўли билан кесишган жойда туннель бўлади. Шу тариқа, пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Чўпонота кўчаси ва Сергели туманидаги Қипчоқ кўчаси самарали боғланади.

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлиги, очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар жараёнларига қўшаётган катта ҳиссаси, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги муносиб хизматлари, замонавий журналистика тизимлари учун юксак малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

Мелибоев Ахмаджон — “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Қирғизбоев Муқимжон — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Олимов Султонмурод Ҳошимович — “Тафаккур” журнали бўлим мудири

“Меҳнат шуҳрати” ордени билан

Абдугаппарова Умида Муратовна — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

Болтабоева Ўғилхон Набижановна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканалининг Наманган вилояти бўйича мухбири

Джураев Равшанхон Эргашович — “UzReport” ахборот агентлиги бош директори

Ёдгоров Эркин Хусенович — “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари бўлим муҳаррири, Бухоро вилояти

Жумақулов Абдирасул Пардаевич — “Ҳуррият” мустақил газетаси бош муҳаррири

Михайлов Виктор Владимирович — “Nuz.uz” веб-сайти бош муҳаррири

Убайдуллаев Шараф Ортикович — “Нуроний” жамғармасининг Республика бошқаруви раиси ўринбосари

Усманова Гулчехра — Иштихон тумани “Иштихон овози” газетаси муҳаррири, Самарқанд вилояти

Усманова Фарида — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, ёзувчи

Шерназаров Ахмадали Мустафақулович — “Халқ сўзи” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича мухбири

“Дўстлик” ордени билан

Абибуллаев Дауит Есемуратович — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича шарҳловчиси

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

2021 ЙИЛДА ТОКИО ШАҲРИДА (ЯПОНИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ВА XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Жорий йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг ҳар томонлама тайёргарлиги ва муваффақиятли иштирокини таъминлаш, уларда олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритган спортчиларни моддий қўллаб-қувватлаш, шунингдек, мамлакатимизда Олимпия ва Паралимпия ҳаракатларини янада ривожлантириш мақсадида:

1. **2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида** (кейинги ўринларда — Олимпия ва Паралимпия ўйинлари) **иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси таркиби** 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов), Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов), Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) зиммасига қуйидаги вазифаларни бажариш юклансин:

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи лицензияни қўлга киритган спортчилар учун **ўқув-машғулот йиғинларининг якуний босқичини самарали ва сифатли ташкил этиш**;

Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирок этиши учун уларни **спорт анжомлари** (шу жумладан, махсус спорт анжомлари), **расмий либос ва спорт экипировкаси** билан таъминлаш;

Маданият вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг иштирокини таъминлаш учун уларни **кузатиш, жойлаштириш, тантанали равишда кутиб олиш тадбирларини ташкиллаштириш**.

Давоми 3-бетда

МУНОСАБАТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

халқ манфаати ва розилигига эришишни назарда тутади

Абдуқодир ТОШҚУЛОВ,
олий ва ўрта махсус таълим вазири

Бугун олий таълимдаги ислоҳотларга ҳар бир юртдошимиз дахлдорлик ҳисси билан қараяпти. Жумладан, Президентимизнинг яқинда эълон қилинган “2021/2022 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида”ги қарори ҳам халқимиз томонидан мамнуният билан қабул қилинди.

Ёшларни олий таълимга қамраб олиш ҳақида сўз борганида бугунги ютуқларимиздан кўнгил тўлади. Масалан, 2016 йилда мамлакатимиз бўйича 50-60 мингга яқин йигит-қиз талабалик бахтига мушарраф бўлган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсаткич 170 мингни ташкил этмоқда. Бу ўтган йилларга нисбатан уч баробар кўп дегани. Бу рақамга имтиёзлилар, табақалаштирилган контракт асосида ўқишга қабул қилинадиганлар рўйхати киритилмаган. Кўрсаткичлар ҳали яна ошади.

Давоми 3-бетда

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Ўтган 3 йил ичида сўз эркинлигига, ОАВ, журналист ва блогерларнинг эркин фаолият юритишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Бундан кейин ҳам уларга ана шундай замин яратамиз! Мен профессионал журналистларни ҳамиша ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёрман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҲАР БИР ЖУРНАЛИСТ ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

Кейинги йилларда ўзбек журналистикасидаги туб бурилиш, сезиларли силжишлар сўз эркинлигининг амалда таъминланаётганидан далолатдир. Бугун ким билан гаплашманг, ўзбек журналистикаси фаолияти кейинги йилларда анча жонланганини таъкидлайди. Тўғри, соҳада ҳали ечимини кутаётган муаммолар йўқ эмас. Ўз ваколатидан тўлақонли фойдалана олмаётган, хизмат доирасида турли тазйиқларга дуч келаётган журналистлар ҳам бор. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, хизмат вазифасини эмин-эркин адо этиши учун бугун юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон ЎСАРОВ билан суҳбатимиз шулар хусусида бўлди.

Давоми 5-бетда

ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ УЧУН ЯНГИ ҚИРРАЛАРНИ, ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАРНИ ТОПИШИМИЗ ЗАРУР

Бошланиши 1-бетда

Ҳозирги кунда Сергели туманидан шаҳар марказига келиб-кетадиган автомобиллар асосан битта йўл — Янги Сергели кўчаси орқали ҳаракатланмоқда. Шу боис, унда қатнов жуда кўп, тирбандлик катта.

6 қаторли янги кўприк ва йўл соатига 12 мингтагача автотранспортни ўтказиш қувватига эга бўлади. Натижада Сергели туманига транспорт қатнови тирбандлиги 50 фоизга, ҳаракат вақти 20-25 дақиқага камаяди.

Йўл бўйларига энергия тежамкор ёритгичлар ўрнатилади. Бўш майдонларда “яшил ҳудудлар” барпо этилиб, пиёдалар йўлаги ва велойўлакчалар ташкил этилади.

Шу ерда Тошкент вилоятининг Қибрай туманидаги Янги Ўзбекистон кўчасида йўл бўйи инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаси тақдимоти ўтказилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари пойтахтимизнинг Янгиҳаёт туманидаги “Dentafill Plyus” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан танишди.

Халқимизнинг саломатлигини асраш, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга кўрсатилаётган алоҳида эътибор самарасида фармацевтика саноати ҳам жадал ривожланиб, ишлаб чиқарилаётган дори-дармон воситаларининг тури ҳамда сифати тобора ортиб бораётир.

“Dentafill Plyus” мамлакатимиздаги дори воситалари ва тиббий анжомлар ишлаб чиқараётган етакчи фармацевтик корхоналардан бири.

Бу корхона 2019 йилда ишга туширилган. Швейцария, Германия, Туркия, Хитой, Япония, Малайзия ва Жанубий Кореядан энг замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Бугун бу ерда 20 дан ортиқ фармакологик гуруҳга мансуб 172 дан зиёд дори воситаси ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Йиллик қувват 60 миллион дона.

Президент корхонада ишлаб чиқарилган дори воситаларини кўздан кечирди.

— Фармацевтика бўйича катта имкониятларимиз бўла туриб, бундан фойдаланилмас эди. Ҳозиргача катта харажатлар эвазига четдан дори-дармон олиб келиняпти. Шунинг учун биз заминни мустаҳкам қилаяпмиз. Аввало, кадрлар тайёрлаш, инновацияларни жорий қилиш, илмни ривожлантиришга эътибор қаратяпмиз. Энди ишлаб чиқариш ҳам сифатли бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу корхонага Тошкент фармацевтика институти талабаларини жалб этиб, назарияни амалиёт билан мутаносиб олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Корхонада Европанинг етакчи компаниялари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси институти ва Полимерлар кимёси ва физикаси институти билан муваффақиятли ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу маҳсулотларнинг турини кўпайтириш ва сифатини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ҳозирда “Dentafill Plyus” корхонасининг юқори технологик асбоб-ускуналар билан жиҳозланган цехларида таблеткалар, капсулалар, гален препаратлар, инъекцион ва инфузион эритмалар шаклидаги дори воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, қуруқ ҳолатдаги антибиотиклар, суртмалар, суппозиторийлар, сироплар, суспензиялар, суюқ дорилар, тиш пастаси ва тиббий буюмлар, қўлқоплар тайёрланади.

Масъулияти чекланган жамиятда маҳаллийлаштириш даражаси 65 фоизга етган. Швейцариянинг BFS технологияси асосида инъекцион препаратларни полимер ампулаларда ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Латекс хомашёсидан жарроҳлик қўлқопларини ишлаб чиқариш технологияси ҳам ўзлаштирилди. Корхонада 360 киши иш билан таъминланган.

Йилига 25 миллион дона дори воситалари Кувайт, Россия, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Афғонистон каби давлатларга экспорт қилинмоқда.

Ҳозир дунёда табиий гиёҳлардан тайёрланган дориларга талаб ортмоқда. Корхонада юртимизда ўсадиган доривор ўсимликларни экстракция қилиш, улардан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш устида ҳам изланишлар олиб борилмоқда.

Президентимизга Тошкент вилоятининг Зангиота туманида “Tashkent Pharma Park” инновацион фармацевтика кластери қурилишининг бориши ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари журналистлар билан мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Сергели туманидаги Саховат маҳалласи ҳаёти билан танишди.

Маҳалла ҳудуди 18 гектар бўлиб, 2016 йилда ташкил этилган. 41 та кўп қаватли уйда 6 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Бу ерда битта мактаб ва иккита мактабгача таълим муассасаси бор.

Илгари бу маҳалла эътибордан четда қолган эди. Жорий йилда “Обод маҳалла” дастури доирасида ҳудуд тўлиқ ободонлаштирилиб, янгидан чирой очди. Маҳалла гузари, Саховат боғи, савдо дўконлари барпо этилди. Йўлаклар тартибга келтирилиб, болалар ўйингоҳлари, автотураргоҳ ташкил қилинди.

Президентимиз ушбу бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Маҳалладаги ижтимоий муаммолар манзилли ҳал этилмоқда. Масалан, турар жойга муҳтожларга уй ва субсидиялар берилди. Ишсиз аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида қиймати 5 миллиард сўмлик лойиҳа амалга оширилмоқда. Хусусан, мебелсозлик мажмуасини ишга тушириш режалаштирилган. Давлатимиз раҳбари маҳалла дўконини ҳам кириб кўрди.

Маҳалла аҳли билан суҳбатда бугунги ўзгаришлар, тинчлик-осойишталикнинг қадри ҳақида мулоқот бўлди.

— Сергелида кўплаб уй-жойлар қурдик, янги-янги корхоналар кириб келаяпти. Бу ўзгаришлар одамлар ҳаётида сезилиши муҳим. Энди тумандаги ҳар бир маҳалла шундай обод бўлиши керак. Аҳоли бу ерда сайр қилиб, пиёда юриб, соғлиғини мустаҳкамлаб, ҳаётдан рози бўлиб яшаса, мақсадимиз шу. Сизларнинг бахтингиз — менинг бахтим, — деди Президент.

Жорий йилда “Обод маҳалла” дастурига кўра, Тошкент шаҳрига 1 триллион 300 миллиард сўм ажратилган. Бунинг эвазига маҳаллаларда 937 километр ичимлик ва оқова сув, газ, электр тармоқлари, 545 километр ички йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари жорий йилнинг 31 май куни Чирчиқ дарёси бўйини ободонлаштиришга оид лойиҳа тақдимоти билан танишган эди.

Дарёнинг Тошкент шаҳридан ўтган қисми 16 километрни ташкил этади. Ушбу масофада ўзанни қисқартириб, турли инфратузилма объектлари барпо этиш режалаштирилган. Биринчи босқичда Оҳангарон ва Бектемир кўчалари оралиғидаги 5 километр тартибга келтирилмоқда.

Президент бу ердаги қурилиш жараёнини кўздан кечирди.

Бу қисмдаги ишлар 2021-2022 йилларда амалга оширилади. Натижада 34 гектардан зиёд майдон ҳосил бўлади.

Лойиҳа тўрт босқичдан иборат. Иккинчи босқичда яна 5 километр, учинчиси ва тўртинчи босқичларда 3 километрдан дарё ўзани тартибга келтирилади.

Умуман, бу ишлар натижасида 210 гектар қўшимча ер очилади. Бу ҳудуд кўкаламзорлаштирилиб, дам олиш масканлари, сайр йўлаклари ва маҳаллий автомобиль йўллари барпо этилади. Шунингдек, замонавий уй-жойлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари бу ҳудуд шаҳар экологияси учун муҳимлигини таъкидлаб, кўпроқ дарахтлар экиш, аҳоли учун рекреацион жойларни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва туманлари ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари билан йиғилиш бўлди.

Ажратилган маблағларни тўғри йўналтириб, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини кўпайтириш чоралари белгиланди. Маҳаллаларда хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган 5 минг 400 та кичик лойиҳани амалга ошириш орқали 181 мингта янги иш ўрни яратиш имкони борлиги таъкидланди.

Йиғилишда ижтимоий масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида “Ёшлар дафтари”га киритилган 24 минг нафар ёшлардан 19,5 минг нафарининг бандлиги таъминланган. Пойтахтда “Аёллар дафтари”га киритилган 16 минг нафардан зиёд хотин-қизларнинг барчасига амалий ёрдам берилган.

Давлатимиз раҳбари нуронийлар ва фаолларнинг таклифлари асосида маҳаллаларни ободонлаштириш, йўл ва сув тармоқларини таъмирлаш, тиббий хизматларни яхшилаш бўйича мутасаддиларга топшириқлар берди. Ёшларни касбга йўналтириш, спорт мусобақалари ва тўгаракларга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди.

— Бу йил жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг 30 йиллигини нишонлаймиз. Бу байрамни кўтаринки руҳ билан, улкан натижалар билан кутиб олишимиз керак. Халқимизни рози қилиш учун янги қирраларни, янги имкониятларни топишимиз зарур, — деди Президент.

А.МУСАЕВ,
З.ЖОНИБЕКОВ,
М.ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Бабаев Анвар Машрабович — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг нашрлар бўлими бошлиғи

Ежков Сергей Александрович — “Uzmetronom.com” веб-сайти бош муҳаррири

Илясов Анвар Абдуллаевич — Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг “Дунё” ахборот агентлиги фотомухбири

Кодиров Солижон Мелибоевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” телеканалининг бадиий дам олиш кўрсатувлар бўлими режиссёри

Непомнящая Ольга Ивановна — Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг бўлим бош муҳаррири

Обидов Муҳаммад Далимович — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими раиси

Рахметов Махамет — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Тошкент” телерадиоканали” давлат унитар корхонасининг бўлим муҳаррири

Тохиров Мамасодик Боборозикович — Сўх тумани “Садои Сўх” газетаси бош муҳаррири, Фарғона вилояти

Хамраев Ислом Хамзаевич — “Адолат” ижтимоий-сиёсий газетаси бош муҳаррири

Шамсиев Гайрат Абдусаттарович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Республика телерадиомаркази” давлат унитар корхонасининг Тошкент телемаркази бош муҳандиси

Шерматов Талибжон Таштемирович — Хўжаобод тумани “Ҳақиқат” газетаси муҳаррири, Андижон вилояти

Якубжанова Мукаддас Сидиковна — Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи машинисти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Рахмонкулов Улуғбек Акмалович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканалининг “Таҳлилнома” ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими бош муҳаррири

Умаров Жаҳонгир Тулкунович — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-марказининг тасвирга олиш гуруҳи бош мутахассиси

Ўрозов Абдували Пўлатович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканалининг Президент “POOL” хизмати бош муҳаррири ўринбосари

Холиқов Элбек Мустафоевич — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги маркази йиғма ахборот-таҳлил бўлими бошлиғи

Чориев Шунқор Буриевич — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телерадиоканали” давлат унитар корхонаси директори ўринбосари

Юлдашов Галавиддин — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими раиси

“Соғлом турмуш” медали билан

Азимов Анвар Хабибуллаевич — “Менинг юртим” телеканали лойиҳа бошловчиси

Николенко Лилия Владимировна — “Potrebitel.uz” веб-сайти администратори, блогер

Санаев Фурқат Чориевич — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими бошлиғи

Ташматова Тамара Шералиевна — “Фарғона ҳақиқати” — “Ферганская правда” газеталари бирлашган таҳририятининг бош муҳаррири ўринбосари, Фарғона вилояти

“Келажак бунёдкори” медали билан

Алимова Сабина Туйгуновна — “Правда Востока” газетаси мухбири

Исожонов Миролим Хайрилло ўғли — “Daryo.uz” интернет нашри мухбири

“Шуҳрат” медали билан

Абдурахманов Хайрулло Файзуллаевич — “Маҳалла” газетаси махсус мухбири

Акбаров Косимжон Тургунович — Мингбулоқ тумани “Мингбулоқ” газетаси муҳаррири, Наманган вилояти

Аскаров Нуриддин Мухамаджонович — “Рухсор телерадиоканали” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Фарғона вилояти

Ачилова Садоқат Садуллаевна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканалининг халқаро мухбирлар тармоғи муҳаррири

Бозоров Бахшилло Муҳамадович — “Istiqlol-TV” телерадиокомпанияси директори, Бухоро вилояти

Давирова Гулбахор Кучкаровна — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston” радиоканалининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий эшиттиришлар муҳарририяти бош муҳаррири

Дурдиева Гулчехра Саттаровна — “Янги Ўзбекистон” газетасининг Тошкент вилояти бўйича мухбири

Жалилов Сухробжон Ёқуб ўғли — Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг бўлим видео монтажчиси

Заитова Наргиза Сабировна — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг қўлёзмалар, ноёб ва алоҳида қийматга эга нашрлар хизмати раҳбари

Каллиханова Лолагул Оразгалиевна — “Makan.uz” веб-сайти бош муҳаррири

Кулмуродов Анвар Ботирович — “Ishonch” ва “Ishonch-Доверие” газеталари бош муҳаррирининг биринчи ўринбосари

Қосимов Зафаржон Олимжонович — “Xabar.uz” ахборот-таҳлилий портали мухбири

Қосимова Сарвара Жўраевна — “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси мухбири

Маматов Рустам Урокбоевич — Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати ҳузуридаги Медиа-марказининг ахборот тайёрлаш гуруҳи етакчи мутахассиси

Манзурова Нодира Абдулхаевна — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Фотоахборот таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

Машарипов Шержан — “Хива тонги” газетаси муҳаррири, Хоразм вилояти

Менгзияева Райхон Янгибоевна — Қумқўрғон тумани “Қумқўрғон садоси” газетаси бош муҳаррири, Сурхондарё вилояти

Назиров Дилшодбек Бохадирович — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston 24” телеканалининг студия бош муҳаррири

Насимов Бахтиер Азимович — Тошкент шаҳри “Coscom” масъулияти чекланган жамиятининг жамоатчилик билан алоқалар бошқармаси бошлиғи, блогер

Пулатова Шохиста Анваровна — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг қолиплар тайёрлаш цехи монтажчиси

Соболева Екатерина Насреддиновна — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциациясининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси

Сувонов Нодир Абдиравубович — Тошкент шаҳри “Адабиёт нашриёти” масъулияти чекланган жамияти директори

Султанова Феруза Хикматуллаевна — “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйининг муқовалаш цехи чоп этувчиси

Тешаев Андрей Вячеславович — “Podrobno.uz” янгиликлар агентлиги бош муҳаррири

Утемуратов Фурхат Юсупович — Хўжайли тумани “Хўжайли ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси

Хошимова Юлдуз Уткуровна — “Миллий” телеканалининг ижтимоий-маърифий бўлими бошлиғи

Ҳусанов Жасур Рухиддинович — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ахборот хизматлари фаолиятини ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи

Шарапова Ирисгул Боранбаевна — “Қорақалпоғистон” радиоканалининг “Хабар” ахборот-таҳлилий дастурлари бош муҳарририяти бўлим мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Эргашев Набижон Мажид ўғли — “Жиззах” нодавлат телеканали бош муҳаррири, Жиззах вилояти

Эшбоев Темир Абдирасулович — “Халқ сўзи” газетасининг Навоий вилояти бўйича мухбири

Юсупова Феруза Артиковна — “Телерадиокомпания Zo‘r” масъулияти чекланган жамиятининг “Zo‘r TV” телеканали муҳаррири

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2021 ЙИЛДА ТОКИО ШАҲРИДА (ЯПОНИЯ) БЎЛИБ ЎТАДИГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИЯ ВА XVI ПАРАЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН СПОРТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИШТИРОКИНИ ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА ОЛИМПИЯ СПОРТ ТУРЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

3. **Ўзбекистон спорт делегациясининг 2021 йилда Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган ёзги XXXII Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриши ва иштирок этиши харажатлари сметаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки:

2021 йил 24 июнь ҳолатига Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи жами **101 та лицензия қўлга киритилган**;

Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар **олимпия** спорт турлари бўйича **қўшимча квоталар** ажратиш, **паралимпия** спорт турлари (парадзюдо, парапауэрлифтинг, парасузиш, параакадемик эшкак эшиш ва бошқалар) бўйича **қўшимча 17 та лицензияни** қўлга киритиш кутилмоқда.

Олимпия ва Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича Республика комиссияси (А.Арипов)га Олимпия ва Паралимпия ўйинлари бошлангунга қадар уларда қатнашиш ҳуқуқини берувчи қўшимча лицензиялар сонидан келиб чиқиб мазкур қарор билан тасдиқланаётган 1 ва 2-иловаларга тегишли равишда комиссия баёни билан **ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин**.

Республика комиссияси Паралимпия ўйинларига тайёргарлик қилиш ва иштирок этишнинг аниқ миқдорини белгиласин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

а) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ғолиб ва совриндор бўлган Ўзбекистон спортчилари қуйидаги миқдорда **бир марталик пул мукофоти** билан рағбатлантирилади:

олтин медаль учун – **200 000 АҚШ** доллари;

кумуш медаль учун – **100 000 АҚШ** доллари;

бронза медаль учун – **50 000 АҚШ** доллари;

б) мазкур бандда назарда тутилган харажатлар Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Миллий антидопинг агентлиги (Н.Турсунов) Олимпия ва Паралимпия ўйинларида:

спортчилар томонидан **антидопинг қоидаларига қатъий риоя қилиниши** устидан самарали антидопинг назоратини амалга оширсин;

Ўзбекистон спорт делегациясини **антидопинг мавзуларига оид тегишли ўқув-ахборот материаллари** ва турли кўргазмали маълумотлар билан таъминласин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги (А.Камилов) Ўзбекистон спорт делегациясининг **Нарита халқаро аэропортида иммиграция** назоратидан ўтишига кўмаклашсин.

8. Ички ишлар вазирлиги (П.Бобожонов):

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларининг Олимпия ва Паралимпия ўйинларида қатнашиши учун Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш **биометрик паспорти** ўз вақтида расмийлаштирилишини таъминласин;

кузатиш ва кутиб олиш тадбирларида **хавфсизликни таъминлаш** ва жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси транспорт воситаларининг Тошкент шаҳар ҳудудида кузатувини ташкил этиш бўйича зарур ташкилий чораларни кўрсин.

9. Транспорт вазирлиги (И.Махкамов):

Туризм ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси талабномаларига асосан жорий йилнинг **июль-сентябрь ойларида Токио шаҳрига рейслар ташкил этилиши**, шунингдек, Ўзбекистон спорт делегацияси учун авиачипталар бронь қилинишини;

“Тошкент-Токио-Тошкент” йўналиши бўйича чартер рейслари ташкил этилиши ва амалга оширилишини;

Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларига тегишли бўлган спорт анжомлари ва жиҳозларининг Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти **орқали бепул ўтказилишини**;

Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропортининг умумий **залида “яшил йўлак” ташкил қилиш** ва мазкур йўлак орқали Ўзбекистон спорт делегацияси аъзоларини кузатишни таъминласин.

10. Давлат божхона қўмитаси (М.Азимов) Ўзбекистон спорт делегацияси ва уларнинг қўл юклари (спорт овқатлари, спорт анжомлари, жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар ҳамда бошқалар) божхона назоратидан ўтказиш ва расмийлаштириш ишлари тезкорлик билан амалга оширилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов) ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) “Дори-Дармон” АК (У.Салихбаева), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев) билан биргаликда Ўзбекистон спорт делегациясини зарур бўлган жиҳозлар, тиббий асбоб-ускуналар ва препаратлар билан таъминласин.

12. Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (А.Хаджаев), Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.Кўчимов) спортчиларнинг Олимпиада олди ўқув-машғулот йиғинлари, Олимпия ва Паралимпия ўйинларида иштироки тўғрисида қисқа метражли видеороликлар ҳамда махсус кўрсатувлар тайёрланишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги (А.Абдухакимов) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси (Р.Шаабдурахманов) ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси (М.Ташходжаев) билан биргаликда беш кун муддатда Олимпия ва Паралимпия ўйинлари давомида ташкилий ишларни тезкорлик билан ҳал қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида **миллий штабларни ташкил этсин** ва фаолиятини йўлга қўйсин.

14. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасига ҳамда Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитасига Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш учун спорт анжомлари, жиҳозлар, ускуналар, делегация расмий либослари, спорт кийимлари (экипировкаси), спорт тиббиёти жиҳозлари, тиббий-биологик препаратлар харид қилиш бўйича хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан шартномаларни, шунингдек, ўқув-машғулот йиғинлари бўлиб ўтадиган спорт базалари, ётоқхона, спорт заллари ва спорт жиҳозлари ижаралари тўғрисида ҳамда овқатланишни ташкил қилиш юзасидан шартномаларни, истисно тариқасида, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида тегишли эълон жойлаштирмасдан ва электрон савдоларсиз, тендерсиз, тўғридан-тўғри расмийлаштириш ва тўловларни амалга оширишга рухсат берилсин.

15. Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири А.Абдухакимов Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳамда спорт федерациялари (ассоциациялари)ни жалб этган ҳолда қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини киритсин:

а) бир ой муддатда — **олимпия захиралари коллежлари фаолиятини** тубдан такомиллаштириш, бу борада коллежлардаги спорт таълим йўналишларининг олимпия спорт турлари билан узвий боғлиқлигини таъминлаш, ҳудудларда иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция)нинг янги тизимини жорий қилиш, тренер ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш бўйича;

б) 2021 йил 1 декабрга қадар:

жамоавий спорт турлари (баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, волейбол ва бошқалар)ни ривожлантириш ва оммалаштириш, бу борада иқтидорли ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) тизимини жорий қилиш, туман (шаҳар), вилоят, республика ва халқаро мусобақалар ва турнирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш, тренер ва мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича;

сув спорти турлари (сув полоси, сузиш, синхрон сузиш, сувга сакраш ва бошқалар)ни ривожлантириш, сув спорти саройларини барпо этиш, хусусий сув спорти мактабларини ташкил этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича.

16. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари — туризм ва спорт вазири **А.А.Абдухакимов**, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси раиси **Р.М. Шаабдурахманов** ва Ўзбекистон Миллий паралимпия қўмитаси раиси **М.М.Ташходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2021 йил 25 июнь

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19-20 февраль кунлари Туркия Республикасига расмий ташрифи якунлари бўйича имзоланган келишувлар ижросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг натижадорлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Раёсат мажлисида икки ҳамкор давлат ўртасида сўнгги йилларда амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги муҳокама қилинди. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган турк инвестициясининг ҳажми қарийб **950 млн.** долларни ташкил этиб, бугунги кунда юртимизда турк капитали иштирокида **1 576 та** корхона фаолият кўрсатмоқда.

2021 йилнинг январь-апрель ойлари якунларига кўра, Туркия Республикаси билан ўзаро савдо ҳажми **956 млн.** долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **60** фоизга ошган. Шундан, экспорт ҳажми **528 млн.** долларни, импорт ҳажми **428 млн.** долларни ташкил этган.

Мажлисда, шунингдек, расмий даражадаги ташриф якунлари билан тасдиқланган “йўл хариталари”га киритилган умумий қиймати **857 млн.** долларлик **95 та** инвестиция ва савдо келишувининг амалга оширилиши юзасидан масъул вазирлик, идора ва хўжалик бирлашмалари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари томонидан амалга оширилаётган ишлар танқидий кўриб чиқилди.

Хусусан, инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши бўйича қишлоқ хўжалиги вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги томонидан бир қатор лойиҳалар бугунги кунда кечикиш билан амалга оширилаётганига алоҳида эътибор қаратилди ҳамда мазкур лойиҳаларда мавжуд масалаларнинг сабаблари ва ечимлари муҳокама қилинди.

Мажлис давомида инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг биринчи ўринбосари **Л. Кудратов,** ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари **Ф. Арзиев,** соғлиқни сақлаш вазири **А. Хаджибаев,** қишлоқ хўжалиги вазири **Ж. Ходжаев,** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари **Б. Хабибуллаев,** Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари **О. Ходжаевнинг** Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, инвестиция соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда икки давлат ўртасида савдо ҳажмини кўпайтириш тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ҳисоботлардан кейин инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга тушириш ва маҳаллий маҳсулотларни экспортга чиқариш борасидаги камчиликлар кўриб чиқилиб, масъулиятсизликка йўл қўйган раҳбарларга нисбатан таъсир чоралари кўриш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Туркия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб олинди.

Бунда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

лойиҳаларни амалга оширишда юзага келаётган инфратузилма билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш;

ташаббускорларнинг молиявий аҳволи ёмонлашгани сабабли тўхтаб қолган лойиҳалар бўйича Туркия инвесторлари билан мунтазам равишда музокаралар ўтказиш ва натижаси тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш;

истиқболсиз лойиҳалар ўрнига лойиҳа қийматига тенг бўлган янги лойиҳаларни шакллантириш юзасидан аниқ чоралар белгиланди.

Мажлис якунида барча вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари ҳамда маҳаллий ҳокимликлар раҳбарларига жаҳон иқтисодиётининг пандемиядан кейинги инқироздан тикланиши шароитида икки давлат ўртасида инвестиция ва ташқи савдо ҳажмини кескин ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

ИНТЕРВЬЮ

ГЛОБАЛ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ ЎРНИ МУҲИМ

Бухорода Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда парламентлараро глобал ҳамкорлик масалаларига бағишланган халқаро форум ўз ишини якунлади.

Ўзбекистон ташаббуси билан биринчи марта ташкил этилган мазкур форум глобал мақсадларга эришишда парламентлар иштирокини муҳокама қилиш, парламентлараро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш учун самарали мулоқот майдони бўлди. Халқаро форум доирасида “Бухоро декларацияси” қабул қилинди. У барқарор ривожланиш бўйича глобал кун тартибини янада инклюзив, очиқ ва шаффоф амалга оширишни таъминлашнинг қисқа, ўрта ва узоқ муддатли йўлларини назарда тутади.

Тадбир якунида иштирокчиларнинг бу хусусдаги фикрлари билан қизиқдик:

Кейсуке СУЗУКИ,

Япония парламенти Вакиллар палатасининг депутати, Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик гуруҳи ижроия қўмитаси раҳбари:

— Глобал муаммоларни ҳал қилиш учун халқаро ҳамкорликнинг долзарблиги, унинг таъсири 10-20 йил аввалгидан кўра муҳимроқ. 2021 йил экологик муаммоларни ҳал этиш механизмини ишлаб чиқиш учун муҳим йил бўлади. “G7” раҳбарларининг яқинда бўлиб ўтган саммити кун тартибидаги асосий мавзулардан бири ҳам айнан иқлим ўзгариши масаласи эди. Бу “G20” саммити ва БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг ҳам устувор мавзуси бўлади.

Иқлим ўзгариши соҳасида самарали мақсадли дастурга эришиш учун халқаро ҳамжамиятнинг умумий ёндашуви ва ҳар бир давлатнинг бу борадаги мажбуриятларига эришиш зарур. Мазкур глобал муаммоларни ҳал қилишнинг энг яхши йўлини топишда халқ овозини ифодаловчи парламент аъзоларининг роли муҳим.

БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларига киритилган вазифаларни ҳал этишда Япония Ўзбекистон ва халқаро ҳамжамият билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Зиад АБУЛТАИФ,

Канада парламенти Вакиллар палатаси аъзоси, “Канада — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раиси:

— Бухоро форумида муҳокама қилинган масалалар барча давлатларнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишидаги муҳим омил бўлиб, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг асосий мезони ҳисобланади. Шунингдек, парламентлараро ҳамкорликнинг ривожланиши ҳам ушбу мақсадларга эришишда ёрдам берадиган муҳим восита сифатида эътироф этилган.

Мазкур воситалар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида мукаммал бошланғич нуқталар бўлиб, бунда халқаро ҳамкорликка катта эҳтиёж сезилади. Бугунги кунда бутун дунё давлатлари барча соҳаларда бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда ҳам мамлакатлар, уларнинг қўшнилари ва халқаро ҳамжамият ўртасидаги ҳамкорлик катта самара келтириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, фуқаролар ва парламент томонидан харажатлар тўғрисидаги қарорларнинг жавобгарлигини таъминлаш, шунингдек, халқаро ҳамжамият билан ишлаш Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги энг муҳим ва асосий воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

МУНОСАБАТ

ОЛИЙ ТАЪЛИМДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

халқ манфаати ва розилигига эришишни назарда тутади

Бошланиши 1-бетда

Энг муҳими, давлат гранти асосида қабул кўрсаткичи йил сайин ошяпти. Аҳолининг ижтимоий аҳволи, имкониятидан келиб чиққан ҳолда 2021/2022 ўқув йилида ўтган йилга нисбатан 25 фоиз ошиши кутилмоқда. Бундан ташқари, хотин-қизларга қўшимча давлат гранти 2000 та деб эълон қилинди.

Олий таълим муассасалари орасида рақобат муҳити бўлиши учун давлатимиз раҳбари томонидан янгилик киритилди. Хорижий олий таълим муассасаларининг филиаллари ва Ўзбекистонда жойлашган нодавлат олий таълим муассасаларига ҳам давлат буюртмаси асосида 500 та грант ажратиладиган бўлди. Йиллар мобайнида бу кўпайтириб борилади.

Асосий мақсад — рақобат муҳитини яратиш. Яъни давлат олий таълим муассасаларигагина эмас, балки хорижий ОТМ ва нодавлат таълим муассасаларига ҳам шундай имконият берилмоқда. Энг юқори балл олганлар шундай имкониятдан фойдалана олади ва ўқишни тамомлагандан сўнг камида беш йил ишлаб бериши керак. Бу — янги ўқув йилида бўладиган энг муҳим янгиликлардан бири.

Ўтган ўқув йилида қабул квотаси 150 минг этиб белгиланган бўлса, жорий йилда 170 мингга оширилди. Лекин бунга масофавий таълим олувчилар сони киритилмаган. Икки ҳафта муддатда янги ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим бериш имконига эга ОТМ ва улардаги таълим йўналишлари рўйхатини ишлаб чиқиш вазифаси топширилган.

Энг муҳим янгиликлардан яна бири шуки, фанлар мажмуи ва кетма-кетлиги бўйича бештагача бакалавриат таълим йўналишини белгилаш мумкин. Тўғри, бу аввал ҳам бор эди, лекин янги ўқув йилида адолат, тенглик сари яна бир муҳим қадам қўйилди. Бу ҳам бўлса, грантга устуворлик берилди. Масалан, аввалари абитуриент биринчи қайси олий таълим муассасасини белгилаган бўлса, давлат грантига етарли балл тўпласа, фақат шунда ўқирди. Кейингиларида бали грантга етган тақдирда ҳам инобатга олинмасди.

Масалан, учинчи қилиб белгиланган таълим йўналиши бўйича тўплаган бали грантга етса ҳам, уни биринчи қилиб белгиламагани учун тўлов-шартнома асосида ўқишга мажбур эди. Энди агар абитуриент аризасида грантда ўқийман, деган белгини қўйса, шу белгиланган бешта таълим йўналишида, тартиб рақамидан қатъи назар, грантга кирса, шунга қабул қилинади.

Муҳим жиҳатлардан яна бири — қарорда давлат қабул коммисиясининг ҳуқуқлари белгилаб берилди. Қабул жараёнида параметрларни ўзгартириш, туманлар кесимида мақсадли қабул параметрларини белгилаш, масофавий таълим шаклида қабул қилишдаги параметрлар, табақалаштирилган тўлов шартнома суммасининг минимал миқдорини ва профессионал таълим бўйича буюртмаларни белгилаш кўрсатилган.

Магистратурага қабул икки босқичда бўлади. Биринчи босқич олий таълим муассасасининг ўзида ўтади. Яъни бакалавр дипломининг ўртача бали автоматик тарзда қўйилади. Бу имтиҳонга боғлиқ бўлмайди. Бунда талабанинг тўрт йил мобайнида қандай ўқигани ҳисобга олинади. Иккинчиси мутахассислик фанидан бўлиб, олий таълим муассасасининг ўзи имтиҳон қилади. Учинчиси — чет тилидан Давлат тест маркази орқали тест олиниши қарорга киритилди.

Барча олий таълим муассасаларида чет тилидан ҳамма ўзича тест топширар, бу ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўларди. Шундай тушунмовчиликларга барҳам бериш, жараённи адолатли ўтказиш учун учинчи босқич Давлат тест маркази орқали амалга оширилади. Илгари магистратурага қўшимча қабул имконияти кам эди. Энди олий таълим муассасасининг имконияти, мавжуд илмий салоҳият, моддий-техник база, магистратурада ўқитишнинг реал харажатларидан келиб чиқиб, қўшимча ўрин ажратилиши имконияти олий таълим муассасаларига бериляпти.

Алоҳида иқтидор талаб этиладиган йўналишларда ҳам мажбурий фанлардан тест топширилиши назарда тутиляпти. Имтиҳонлар умумий фаннинг 33 фоизини ташкил қилади. Саволлар она тили, математика ва Ўзбекистон тарихига оид бўлади. Бу имтиҳон оддий, енгил, минимал билим талаб қиладиган саволлар асосида ташкил этилади.

Айни пайтда вазирлигимизга келаётган мурожаатларнинг 65 фоизи ўқишни хорижий давлатлардан юртимиздаги олий таълим муассасаларига кўчириш билан боғлиқ. Янги ўқув йилидан бошлаб, давлатимиз раҳбарининг мазкур қарори билан бу масалага аниқ нуқта қўйилади. Мазкур жараёнда халқимиз манфаатларидан келиб чиқиб адолат, шаффофлик тамойилларига таянилди.

Шу йил 15 июлдан эътиборан ўқишини хорижий мамлакатлар ёки қўшни давлатлардан республикамиз олий ўқув юртига кўчириб ўтказмоқчи бўлганлар Давлат тест маркази орқали имтиҳондан ўтиб, шу ерда ўқишни давом эттириши мумкин. Фақат бу ўринда шарт шуки, қабул тегишли вазирликлар билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Қарорда ўтиш балидан паст балл тўплаганлар учун табақалаштирилган тўлов шартнома жорий этилиши белгиланган. Бундан кўзланган мақсад — маҳаллий олий таълим муассасаларига биринчи курсдан кирувчи абитуриентлар билан ўқишини кўчириб, таълимни кейинги курслардан давом эттирувчиларга тенг шароит яратиш. Илгари бу ўринда номувофиқлик бор эди. Энди ўқишини кўчирувчилар ҳам табақалаштирилган контракт асосида шароитдан келиб чиқиб, кўчириши мумкин. Олий таълим муассасаларининг Ўзбекистон ҳудудида жойлашган хорижий филиаллари ва нодавлат олий таълим муассасаларига кўчиришга нисбатан ҳам мана шу тартиблар жорий этилади.

Олдин спорт мусобақалари ғолиблари давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинар ва кундузги таълим шаклида ўқирди. Улар доим мусобақаларда юргани туфайли бу давоматга таъсир қилган. Энди уларга сиртқи таълим шаклида давлат гранти асосида ўқиш ва ўқишини кўчириш имконияти бериляпти. Бу жараёнда яна бир муҳим қадам қўйиляпти. Фақат олимпия, паралимпия, Осиё ва параосиё мусобақаларида охирги уч йилда биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни олганларга бундай имтиёз қўлланиши мумкин.

ҲАМКОРЛИК

ЯРАТУВЧАНЛИК ИШЛАРИ ҲАЙРАТ ВА ҲАВАС УЙҒОТАДИ

Бугунги кунда Венгрия Ўзбекистоннинг Европадаги муҳим шерикларидан биридир. Биргаликдаги интилиш ва амалий ишлар натижасида бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатларимизнинг ўзаро савдо айланмаси ҳажми салкам уч баробар ўсгани, мураккаб пандемия шароитига қарамай, ўтган йили ҳам ижобий суръат сақлаб қолингани буни тасдиқлаб турибди.

Иқтисодий ҳамкорлик чорвачилик ва паррандачилик соҳасида ҳам ривожланяпти. Айни кунда Венгриянинг дунёга машҳур компаниялари мутахассислари юртимизда бўлиб, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликда соҳа корхоналарининг фаолияти билан танишяпти, уларга ветеринария, парранда, чорва, қуён ва балиқни озиқлантириш бўйича амалий кўмак кўрсатмоқда. Жойларда ташкил этилаётган илмий-амалий семинарларда соҳа ходимлари, мутахассислар билан тажриба алмашиб, вазирлик мутахассислари билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар устида иш олиб бориляпти.

Венгриянинг нуфузли компаниялари вакилларининг ушбу ҳамкорликнинг асосий йўналишлари, келгуси имкониятлари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Тамаш ТОПЕРЦЕР,
“Babolna Tetra Kft” компанияси етакчи мутахассиси:

— Ташрифимиздан бир неча кун олдин Ўзбекистон Республикаси Президенти “Паррандачиликни ривожлантириш ва тармоқ озуқа базасини мустаҳкамлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолаган экан. Учрашувларда соҳа мутахассислари яратилган навбатдаги имтиёз ва имкониятлардан хурсандликларини билдиришди. Қарордаги икки жиҳат бизнинг ҳам эътиборимизни тортди. Аввало, 2021 йил 1 июндан қўшимча қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликларига реализация қилган бир дона тухум учун 50 сўм ҳамда бир килограмм парранда гўшти учун 1 000 сўм миқдорида субсидия ажратилиши белгиланган. Иккинчидан, паррандачилик корхоналари учун фойда, молмулк, ер ва сув солиқлари ставкалари 50 фоиз камайтирилган.

Шу соҳада кўп йиллик тажриба ва малакага эга мутахассис сифатида паррандачиликка юксак даражада кўрсатилаётган рағбат мени ҳам жуда мамнун этди. Яратилаётган имкониятлар тармоқни ривожлантириш ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, тадбиркорлар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлиши турган гап.

Узбек ва венгер халқларини муштарак тарихий илдизлар, яқин ҳамкорлик ришталари бирлаштириб келади. Бундай муносабатларнинг шаклланиши ўтмишда Шандор Кёрёши Чома, Арминий Вамбери, Оноди Берталан, Енё Зичи, Дьёрдь Алмаши, Аурель Штейн каби машҳур венгер олимлари ва сайёҳларининг Марказий Осиёга, жумладан, жаҳон тамаддунига улкан ҳисса қўшган қадимий ва фусункор юртингизга қилган сафарларига ҳам боғлиқ. Хусусан, 1863 йилда ўз орзусига эришиб, Хивага кириб келган Вамбери ўз асарида бундай ёзади: “Дунёда Амударёга ўхшаши йўқ, ҳатто машҳур Нил дарёси ҳам бундай эмас. Аминманки, мен билган дарёлар ичида суви ширини Амударёдир. Мевалари Эрон ва Туркиядагилардангина эмас, бутун Европадагилардан тотли...”.

Орадан бир ярим аср ўтиб мен ҳам Ўзбекистонда бўлар эканман, машҳур юртдошимнинг Хива, Бухоро, Самарқанд ва Қаршининг ўзига хос табиати, иқлими, дунёга машҳур неъматлари ҳақидаги фикрларининг ҳар жабҳадаги тасдиғини кўрдим. Танти, оқил ва меҳнаткаш одамлар, ўз касбининг фидойи мутахассислари, изланувчан ва интилувчан олимларнинг яратувчанлик ишлари ҳайрат ва ҳавас уйғотади. Улар билан ишлаш ва ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириш кишига завқ беради, руҳлантиради.

Жорий йил март ойи охирида Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Венгрия Бош вазири Виктор Орбан расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди. Музокаралар чоғидаги келишувлар, имзоланган битимларда ишбилармонлар ва ҳудудлар ўртасида яқин алоқаларни янада ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Ўзбекистонга бизнинг сафаримиз ҳам ана шу тарихий ташрифнинг мантиқий давоми ҳисобланади. Чунончи, ҳозирги кунда ўлкангизнинг турли ҳудудларида паррандачилик, балиқчилик, чорвачилик, қуёнчилик ва озиқ-овқат саноати соҳаларида 12 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича битимлар имзоланган. Бундан ташқари, 76 та янги истиқболли инвестиция лойиҳаси устида биргаликда ишлашни давом эттиришга келишиб олинган. Мисол учун, бир қатор ҳудудларда парранда наслчилиги ва озуқасини янада яхшилаш, тез орада қуввати камида 20 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳаларни бошлаш режалаштирилган.

Бизнинг “Babolna Tetra Kft” компаниямиз паррандачилик бўйича дунёдаги тўртта генетик марказнинг етакчиларидан бири саналади. Унинг тарихи икки ярим асрни қоралаётган бўлса, Ўзбекистонга 1950 йилларнинг охирларида “венгерка” деган номдаги зотдор ва юртингиз иқлимига тез мослашиб кетган товуқлари билан кириб келган.

Ўзбекистон паррандачилик соҳасида катта салоҳиятга эга мамлакат. Биргина тухум етиштиришни олайлик. Агар 2019 йилда мамлакатда 14 миллион парранда боқилиб, 12,5 миллиард дона тухум етиштирилган бўлса, 2020 йилга келиб бу кўрсаткич 1,5 баробардан ошган. Ана шундай ўзгаришларга эришишга Венгриянинг паррандачилик компаниялари ҳам ўз ҳиссасини қўшишни режалаштирмоқда.

Ушбу сафаримиз давомида, дастлаб, Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан олим, мутахассис, агросектор корхоналари вакиллари учун ташкил этилган “Қишлоқ хўжалиги чорвачилик ва паррандачилигини озиқлантиришнинг инновацион усуллари” мавзусидаги семинарда иштирок этдик. Жиззах, Сирдарё, Навоий ва Тошкент вилоятларида чорвачилик ва паррандачиликка ихтисослашган корхоналарда бўлдик. Уларда жорий этилаётган янги технологиялар, татбиқ этилиши кутилаётган инновацион лойиҳалар билан бевосита танишдик. Албатта, ишлар қамрови катта, кутилаётган натижалар салмоқли, энг муҳими, улар тармоқ саноатини янги босқичга олиб чиқишга, маҳсулдорликни ошириш, аҳолини сифатли ва таннархи арзон маҳсулотлар билан таъминлашга қаратилган.

Кейинги йилларда бутун дунёда бошқа соҳалар каби паррандачилик саноати ҳам жадал тараққий этмоқда. Бунинг сабаби нафақат унинг тухуми ва гўштининг парҳезбоплиги, балки жуда қисқа фурсатда маҳсулот бериш имконияти ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил эканидадир. Бугунги кунда компаниямизнинг энг зотдор ва маҳсулдор кроссларини Ўзбекистонга олиб келиш, уларни иқлимлаштириш ва бу саноатни янада ривожлантиришга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб боряпмиз. Айтиш жоиз, “Babolna Tetra Kft” паррандаларининг насли соғлом ва табиий бўлиш баробарида бошқа зотларга нисбатан камида 10-15 фоиз кўпроқ тухум беради ва маҳсулдорлик муддати ҳам анча ортиқроқ. Ўтказилган тажрибалар юртингиз иқлимига тез мослашишини кўрсатиб турибди.

Яна бир жиҳат шуки, эришилган натижалар билан бир қаторда паррандачилик билан шуғулланувчи барча мамлакатларга хос бўлган қатор муаммолар ҳал этилиши лозим. Бунга замонавий технологияларни жорий этиш, мавжуд ишлаб чиқариш объектларини янгидан қуриш ва модернизация қилиш ҳамда тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш географиясини кенгайтириш киради.

Шу каби масалаларни ҳамкорликда ҳал этиш мақсадида Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Қибрай, Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Олтинсой, Қашқадарё вилоятининг Нишон, Жиззах вилоятининг Дўстлик, Сирдарё вилоятининг Сирдарё туманларида озуқа ем ишлаб чиқарувчи замонавий технологияларни ўрнатиш ва уларнинг фаолиятини маҳаллий тадбиркорлар билан биргаликда юритиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Музаффар АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

Александр ЯНЧЕВСКИЙ,
“AgroFeed Kft” компанияси вакили:

— Ўзбекистон чорвачилик ва паррандачилик генетикаси бозорида ўз ўрнини эгаллаш учун рақобатлашиш бўйича яхши имкониятларга эга ва янги истиқболли кроссларни яратиш ишларини кенгайтириши лозим. Тўғри, бунда чет эл генетикаси ютуқларини ҳам инобатга олиш самарали ҳисобланади.

Биз “Саховат” (Тошкент вилояти), “Мирзаобод парранда” (Сирдарё вилояти) каби ўндан ортиқ паррандачилик ҳамда “Intermilk” (Сирдарё вилояти) ва “Tegen” (Тошкент вилояти) каби қатор чорвачилик корхоналарида бўлиб, молларни озиқлантириш ҳамда уларнинг саломатлигини сақлашнинг ҳолати билан танишдик. Ижобий ўзгаришлар катта — мутахассислар ўз вазифасини сидқидилдан бажариб келмоқда. Шу билан бирга, бу соҳанинг генетикаси, ветеринарияси ва селекциясида эришилган ютуқларни кенг жорий қилиш талаб этилади. Бу масалада Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эътиборга молик ишлар олиб борилаётгани таҳсинга сазовор. Биргина мисол. Фанлар академияси Зоология институтининг флора ва фаунадаги нематодани йўқотиш бўйича инновацион технологияларни ишлаб чиқишга оид амалга ошираётган илмий лойиҳаси нафақат Ўзбекистон, балки дунёда, хусусан, венгриялик мутахассисларда ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Микробиология институти олимларининг қишлоқ хўжалиги жонзотларининг микробиомларини тартибга солиш, озуқа емлардаги микротоксинларга қарши кураш технологиялари ҳам эътиборли ҳисобланади.

Шу каби янгиликларни амалиётга жорий этишда Инновацион ривожланиш вазирлиги билан ҳамкорликдаги ишларни кенгайтиряпмиз. Масалан, инновацион ривожланиш ҳудуди ҳисобланадиган Дўстлик туманида ўз марказимизни ташкил этишга қарор қилдик. Бу марказ нафақат Жиззах вилояти, балки республиканинг барча ҳудудларидаги қишлоқ хўжалиги корхоналарига хизмат кўрсатади.

Бундан ташқари, паррандачилик маҳсулотларининг биологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш, паррандаларни боқиш ва уларга берилаётган озуқанинг таркиби, сифати, турли антибиотик, ксенобиотик ва пестицидлар каби қўшимчаларнинг ишлатилишини назорат қилиш бўйича ҳам ҳамкорликда ишлаш, мутахассислар учун ўқув курслари ташкил этиш ва уларнинг малакасини оширишни режалаштириб олдик.

Келгусида инновацион ҳудуд ҳисобланадиган бошқа туманларда ҳам ўз вакиллигимизни ташкил қилишни режалаштиряпмиз.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ХОНҚА — МЕБЕЛСОЗЛАР МАСКАНИ

Хоразмда фарзандини уйлантираётган хонадон эгаси келин-куёвлар учун янги, замонавий мебель харид қилиш истагида йўлга чиқаркан, албатта, борар манзили Хонқа тумани маркази бўлади. Ёки тадбиркорлар янги корхона ёки цех барпо қиларкан, хоналарни жиҳозлаш учун хонқалик мебелсозларга буюртма беришга шошадилар.

Хоразм қадимдан миллий ҳунармандлик анъаналарига эга. Айниқса, Хонқа бу борада ҳамиша пешқадам.

Бугун вилоятда ишлаб чиқарилаётган турли русумдаги мебелларнинг 44 фоизи хонқалик мебелсозлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Туман марказида ҳамда вилоятнинг асосий магистрали ҳисобланмиш Ҳазорасп — Урганч йўлининг туман ҳудудидан ўтадиган қисмининг икки чеккасида қўшқаватли мебелсозлик оилавий корхоналари жойлашган. Бу “кичик мебелсозлик шаҳарчаси”да эрта тонгдан кечгача савдо қизғин. Энг асосийси, харидорда танлаш имконияти бор.

— Ислоҳотларнинг янги босқичида халқ ҳунармандчилиги тез ривож топмоқда, — дейди “Ҳунарманд” уюшмаси туман бўлими раҳбари Эътибор Қурдошева. — Уюшмамизга аъзо ҳунармандларнинг кўпчилиги турли ўлчам ва русумдаги уй-рўзғор, шунингдек, офисбоп, таълим муассасалари учун замонавий, бежирим мебеллар ишлаб чиқараётган тадбиркорлардир. Муқаддам улар ўз уйларида фаолият юритган бўлса, сўнгги йилларда давлатимиз томонидан берилаётган эътибор натижасида банкларнинг имтиёзли кредитлари ҳисобига кўп қаватли, барча қулайликларга эга мебель цехлари барпо этишди. Бу эса маҳсулот сифати яхшиланиб, тури кўпайишига замин яратди.

Тумандаги “Истиқлол”, “Баркамоллик”, “Пахтагул” ва “Ватанпарвар” маҳаллаларида юздан зиёд хонадонларда мебель цехлари бор. Бу цехларда юзлаб ёшлар иш билан таъминланган, айни вақтда улар “устоз-шогирд” анъанаси асосида бу ҳунарнинг сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 21 июндаги “Республика ҳудудларида мебелсозлик саноатини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 18 та туман (шаҳар) мебелсозликка ихтисослаштирилиши белгиланди. Улар орасида Хонқа тумани ҳам бор.

Қарорда мебелсозлик бўйича кластер шаклидаги кичик саноат зоналари ташкил қилиб, уларга етарли миқдорда маблағ ажратиш, кўплаб лойиҳаларни амалга ошириш ва янгидан 8 минг иш ўрни очиш вазифалари қўйилган.

Демак, ушбу қарор хонқалик ҳунармандлар учун янги истиқбол эшикларини очади ва яқин йилларда туман мебелсозларининг вилоят миқёсидаги улушларини яна ҳам оширади.

Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

БИР ФЕРМЕР 50 НАФАРДАН ЗИЁД ХОТИН-ҚИЗНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАДИ

Гулсум ШОДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Искандар Тилавов қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар самарали меҳнат қилиб, пахта ва ғалла етиштириш сирларини пухта ўзлаштирган тажрибали деҳқонлардан. Унинг болалиги Хатирчи туманининг кенг далаларида кечган. Раҳматли отаси Умар ака кўпни кўрган, ер билан тиллаша олган уста деҳқон эди. Отасининг ортидан эргашиб ўрганганлари, ерга меҳр бериб, уни ардоқлагани бугун Искандар акага қўл келяпти.

Дастлаб, 2007 йили пудратчи сифатида 30 гектар ер олиб фойдаланган бўлса, бугун у раҳбарлик қилаётган “Турди тиниқ чорбоғи” фермер хўжалигининг умумий ер майдони салкам 100 гектар. Айни пайтда фермер хўжалигида 31 нафар ишчи-ходим доимий иш билан банд.

— Болалигим бироз қийинчиликда, етишмовчиликда кечган, — дейди Искандар ака. — Олий таълим олишга шароитим бўлмаган. Оиламизда 8 фарзанд бўлиб, мен кенжасиман. Отам оламдан ўтганда 10 ёшда эдим. Эсимда, отам вафот этгач, акаларим билан бор аламимизни меҳнатдан олиб, дарду ҳасратимизни ерга тўкканмиз. Шундай қилиб деҳқончиликка қизиқиб кетдим. “Ер элни боқади” деган гап ҳақиқат эканига амин бўлдим. Ҳозир хўжалигимиз кўп тармоқли бўлиб, балиқчилик, асаларичилик, пиллачилик, ғаллачилик ва пахтачилик йўналишларида фаолият юритамиз. Маҳсулотларимиз нафақат маҳаллий бозорларда сотилади, балки ишчи-ходимларнинг, маҳалламиздаги ёрдамга муҳтож, кам таъминланган оилаларнинг ҳам рўзғорини бутлаш, дастурхони тўкинлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳозирда хўжалик атрофидаги зовурлардан ҳам мақсадли фойдаланилиб, балиқчилик йўлга қўйилмоқда. Маҳалладошлари балиқ маҳсулотларини туман марказидаги бозорлардан эмас, Искандар аканинг дўконидан харид қилади.

— Хўжаликда асаларичиликни ҳам йўлга қўйдик, — дейди фермер. — Ҳозир 14 қути асалари оиласи парваришланяпти. Айни пайтда асаларичилик орқасидан “Темир дафтар”да рўйхатда турган 4 нафар маҳалладошимиз ишли бўлди.

Искандар Тилавов чорвачиликка ҳам қўл урди. Ҳозирча чорвачилик учун ер майдони ажратилмаган бўлса-да, тажриба сифатида Қозоғистондан 50 бош зотли қорамол келтириб,

асосан, гўшт етиштиришга эътибор қаратмоқда. Чорвани боқиш учун 6 киши ишга олинди.

— “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масаласи ҳам эсдан чиққани йўқ. Жорий йил 10 та хонадонга 10 қутидан ипак қурти тарқатилиб, 600 килограмдан кўпроқ пилла етиштирилди, — дейди Искандар Тилавов. — Пиллакорлар буғдой ўримидан бўшаган 45 гектар ерга полиз экинлари экиш учун жалб қилинади. Ўтган йили ҳам бу ерларга мош, ловия, нўхат каби экинлар экканмиз. Ҳозир 47 гектар пахта даласидаги ғўза айни шонага кириб, гуллаган палла. Фурсатдан фойдаланиб, “Аёллар дафтари”га киритилган 50 нафардан зиёд хотин-қизни ишга жалб қилиб, ғўзаларни бир маротаба чеканкадан, 2 маротаба чопиқдан чиқардик. Бу аёлларимиз пахта теримида ҳам мавсумга жалб этилади. Яна бир гап. Хўжалигимиз ҳисобидаги 7 гектар ерни 35 та ёш оилага 20 сотихдан ажратиб бердик. Ёшларимиз бу майдонларда картошка, бодринг, помидор каби экинлар экиб, оиласига даромад олиб кирмоқда.

Фермернинг экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлари натижасида ернинг балл бонитети сўнгги уч йилда сезиларли ўсди. Қишда захоб суви бериш, зовур қазиш ва мавжудларини тозалаш, далага қўшимча маҳаллий ўғит чиқариш натижасида сўнгги уч йилда хўжаликнинг 12 гектар ери балл бонитети 43 баллдан 52 баллга кўтарилди ва ҳосилдорлик 15 центнерга ошди.

— Бу хўжаликда сўнгги уч йилда 428,9 тонна пахта етиштирилиб, ҳосилдорлик гектарига 40-41 центнерга етказилди ва шартнома режалари 103-108 фоиз бажарилди, — дейди Хатирчи тумани Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши бош мутахассиси Охунжон Ғайбуллаев. — Хўжалик ғаллачиликда ҳам юқори кўрсаткичларга эришган. Кейинги уч йилда 819,2 тонна бошоқли дон етиштирилиб, ҳосилдорлик гектарига 65-71 центнерга етказилди ва шартнома режалари 162-185 фоиз қилиб уддаланди. Бундан ташқари, хўжалик 2018-2020 йилларда 4 дона замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси, жумладан, 1 та ғалла ўриш комбайни харид қилган.

Таъкидлаш лозимки, Искандар ака “Ташаббус — 2021” кўрик-танловида қатнашиб, туманда биринчи, вилоятда иккинчи ўринни эгаллади. Хуллас, бахт калитини меҳнатда деб билган фермер ҳамиша она заминни севиб-ардоқлаб, ҳузурланиб яшамоқда.

27 ИЮНЬ — МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

ҲАР БИР ЖУРНАЛИСТ ЭЪТИБОР ВА ҲИМОЯДА

Бошланиши 1-бетда

— Жорий йил 4 июнь куни уюшманинг навбатдан ташқари конференциясида шу пайтга қадар амалга оширилган ишлар юзасидан тўлиқ ҳисобот берилди. Сиз билан фаолиятингизнинг бошланиши, қисқа муддатда қилинган ишлар ва истиқболдаги режалар ҳақида гаплашсак.

— Аввало, мамлакатимизда фаолият юритаётган барча оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан муборакбод этаман. Биз фаолиятимизнинг илк кунлариданоқ журналистларнинг айтар сўзига, унинг салмоғига эътибор қаратишга киришдик. Негаки, уюшманинг келгуси ишларини режалаштиришда, албатта, журналистлар билан яқиндан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммолар билан бирга, уларнинг таклифлари, мурожаатлари, шикоятларини атрофлича ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда журналистлар билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш учун уюшма алоҳида @jurnalist_uz_bot каналини ишга туширди. Мазкур ботга ҳар куни 10 дан зиёд мурожаат келиб тушади. Бу орқали кўплаб ҳамкасбларимизнинг соҳа ривожига бефарқ эмаслиги, юзлаб ёшларимиз бугунги замонавий журналистика ихлосманди экани маълум бўляпти. Мурожаатчи ёшми, фаол журналистми, уларга тезкор жавоб беришга ҳаракат қиляпмиз. Аксарият мурожаатлар ёшлардан бўлиб, улар ўзларининг ижодий ишлари газета ва журналларда чоп этилиши, журналистика факультетида ўқишига амалий кўмак беришимизни сўрашади.

Бир мисол. Жиззахлик талаба Қодиржон Эшонқулов бот орқали бизга мурожаат қилди. У Жиззах давлат педагогика институтининг тарих факультетида таҳсил олса-да, Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими томонидан ташкил этилган журналистлар мактабига танлов асосида қабул қилинган. 6 ой давомида журналистиканинг сир-асрорини ўрганиб, бу соҳага меҳри тушиб қолгани боис, вилоят телерадиокомпаниясида ишлаш истагини айтди. У билан суҳбатда, дарҳақиқат, журналистик қобилияти борлигига гувоҳ бўлдик. Сўнг Жиззах телерадиокомпаниясига Қодиржонни ишга олиш юзасидан мурожаат қилдик. Мурожаатимиз қабул қилиниб, масала ижобий ҳал бўлди. Айни пайтда Қодиржон ҳам ўқиб, ҳам журналист сифатида фаолият юритяпти. Бу каби мурожаатлар эътибордан четда қолмайди.

Ботнинг аҳамияти шундаки, йилнинг иккинчи ярмида қилинадиган ишларимизни унга келиб тушаётган жўяли таклифлардан келиб чиққан ҳолда мувофиқлаштирдик. Шу билан бирга, уюшма ҳузурида касб этикаси бўйича жамоатчилик кенгаши ташкил этилган бўлиб, унда Хуршид Дўстмуҳаммад, Расул Кушербоев, Карим Баҳриев, Муаттар Асқарова, Қамариддин Шайхов, Дилшод Маматурдиев каби таниқли журналистлар фаолият юритади. Албатта, улар билан ҳам келгуси фаолиятимиз юзасидан аниқ режаларни белгилаб олганмиз.

— Бугун уюшма фаолияти қайта жонланаётган паллада кўпчиликда бир савол туғилади. У ҳам бўлса, аъзолик масаласи. Узоқ йиллардан буён тўхтаб қолган бу жараён энди қандай давом этади?

— Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси 1957 йилда ташкил этилган бўлса, шу пайтгача 3 800 дан зиёд журналист аъзоликка қабул қилинган. 2001 йилдан бошлаб аъзолик тўхтатилган эди. Уюшманинг 2019 йил июль ойидаги конференциясида аъзоликка қабул қайта тиклангач, аъзолик гувоҳномаси, кўкрак нишонлари янгидан тайёрланди. Ўтган йили коронавирус пандемияси туфайли бу жараён яна тўхтаб қолди.

Хуллас, 20 йил деганда янги аъзоларни қабул қилиш жараёни “Овози тожик” ва “Нурли жол” газеталари таҳририятидан бошланди. У ерда ходимларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишдик. Ҳар иккала жамоага замонавий компьютер тўпламлари совға қилинди. Уюшма аъзолигига қабул қилинган “Овози тожик” газетаси бош муҳаррири Шерпўлат Вакилов, масъул котиб Аълам Нарзиев, “Нурли жол” газетаси бош муҳаррири Ғуломзокир Юсупов ва бўлим муҳаррири Жаннат Молдашевага аъзолик гувоҳномаси ҳамда кўкрак нишони топширилди.

— Сўнгги вақтларда журналистларга хизмат вазифасини адо этаётган пайтда турли тазйиқлар ўтказилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бундай ҳолатларда журналистларнинг ҳимояси таъминланмагани соҳа вакилларининг уюшма фаолиятидан қониқмаслиги, норозилигига сабаб бўлаётган эди. Шу маънода, эндиликда уюшма томонидан журналист шахсини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Дарҳақиқат, журналистларимиз билан содир бўлаётган ҳолатларга тезкор муносабат билдирилмаслиги тўғри танқид қилиб келинаётган эди. Аслида, нафақат журналист, балки ҳар қандай фуқаро давлат идораларидан ўзини қизиқтирган маълумотларни олиши мумкин. Бу Конституциямизнинг 29-моддасида белгилаб қўйилган. 30-моддада эса, ҳар бир давлат органи, мансабдор шахс фуқарони қизиқтирган маълумотни тақдим этиши шартлиги, ахборот сўраган шахсга маълумот тақдим этмаган мансабдор жавобгарликка тортилиши белгиланган.

Шу ўринда Президентимизнинг вилоятларга ташрифлари чоғида тобора анъанавий тус олаётган журналистлар билан учрашувлари ҳақида тўхталмоқчиман. Давлатимиз раҳбари аҳолининг турмуш тарзи, ислоҳотларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш асносида мавжуд муаммолар юзасидан улар билан мулоқотга киришаётганининг ўзи сўз эркинлигининг амалдаги кўриниши, дейиш мумкин. Бугун юртимизни чет давлатлар, асосан, сўз эркинлиги қарор топаётган мамлакат сифатида эътироф этаётган экан, бу журналистларимизга янада шижоат бериши табиий. Қолаверса, Президентимиз соҳа вакилларига катта ишонч билдираётгани ҳар бир журналистни фаолликка ундайди. Биргина мисол. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил Фарғона вилоятига ташрифи чоғида журналистлар билан учрашувини эслайлик. “Сизлар менга кўмакчи, елкадошсиз. Ютуғимизни ҳам, камчилигимизни ҳам халқимизга адолат билан етказувчи куч деб биламан. Сизлардан битта нарсани илтимос қиламан, изланишдан эринманглар, адолатни халққа етказишдан қўрқманглар. Ортингизда Президент бор. У замонлар ўтиб бўлди. Энди орқага йўл йўқ. Фақат адолат, адолат, фақат ҳақиқат! Қанча кўп ҳақиқатни етказа олсак, шунча кўп манфаат бўлади. Тўғри, бугун кимдир сизларни ёмон кўрар. Лекин сиз ёзган гапларни ёқтирмаган раҳбарлар барибир тўғрилайди ўша муаммони. Барибир адолат мезони ўрнатилади. Бу дегани ислоҳотларимиз, Мурожаатномада айтилган гаплар рост экан-ку, қилса бўлар экан-ку, деган ибора пайдо бўлади”, деган гаплар ҳар бир журналистга куч бағишлаши баробарида зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

Ёки февраль ойида Намангандаги шундай учрашувни олайлик. Ўшанда Президент ОАВ ни тўртинчи эмас, балки биринчи ҳокимият деб ҳисоблашини маълум қилиб, “Аввалларига сизларга бош вазирмас, ўринбосарлари ҳам эмас, қабулхонасидагилар ҳам салом беришга салгина оғринарди, саломлашгиси келмасди. Ҳозир замона зайли билан, жамиятимиздаги ўзгаришлар билан, халқимизнинг талаби билан, халқимиз онгининг ўсиб бориши нуқтаи назаридан, халқимиз эмин-эркин яшаши нуқтаи назаридан сизлар ҳам ўсаяпсизлар, шу билан бирга, сизлар давлат идоралари раҳбарларини ўстираяпсизлар”, деганининг ўзиёқ журналистларга ички бир жасорат бағишлагани аниқ.

Аммо афсуски, аксарият журналистларимиз ҳали-ҳамон ўз ҳуқуқларини яхши билмайди, натижада ахборот олиш чоғида турли тазйиқларга учрайди. Эндиликда уюшма шундай ҳолатлар юзага келганида тезкор муносабат билдирибгина қолмай, вазиятни охиригача ўрганиб, мавжуд муаммонинг ижобий ечим топишига ёрдам беради. Масалан, 8 июнь куни Андижонда “Эффект.ўз” интернет нашри мухбирига қилинган қўполликка биз шунчаки муносабат билдирмадик, балки учта аниқ масалани кўндаланг қўйдик.

Биринчиси, мана шундай ҳолатларни уюшма қатъий қоралашини маълум қилдик. Иккинчидан, Бош прокуратурадан мазкур ҳолатни ўз назоратига олишини сўрадик. Учинчидан эса, Андижон шаҳар ҳокимлигидан бу ҳолат юзасидан расман хизмат текшируви ўтказилиши ва вазиятни келтириб чиқарган ҳолат бўйича расмий муносабат берилишини талаб қилдик. Ҳар учала масала инобатга олиниб, айни пайтда ҳолат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан атрофлича ўрганиляпти. Шунингдек, Самарқандда “Тафсилот.ўз” мухбирига нисбатан куч ишлатилгани бўйича ҳам тезлик билан ўз муносабатимизни билдирдик. “Менинг юртим” телеканали мухбири ва Иштихон тумани ҳокимлиги матбуот хизмати ходими ўртасидаги ҳолатдан ҳам омма хабардор бўлди. Биз билдирган муносабат юзасидан вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати томонлар ўзаро мурosa йўлини танлагани ҳақида баёнот берди. Бунга жавобан биз мурosa йўлини ҳурмат қилишимизни, лекин журналист билан учрашиб, вазиятни холис ўрганиб чиқишимизни билдирдик. Воқеанинг эртасигаёқ уюшманинг Самарқанд бўлими раҳбари, сенатор, таниқли журналист Фармон Тошев мухбир билан ҳолат юзасидан суҳбат ўтказди. Унинг ҳокимлик матбуот хизмати ходимига ҳеч қандай даъвоси йўқлигига ишонч ҳосил қилинди. Айтмоқчиманки, бу каби ҳолатлар эндиликда доимо уюшма назоратида бўлади.

Журналистга тазйиқ ўтказилган ҳолатларда унга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида биз

Адвокатлар палатаси билан меморандум имзолашни мақсад қилганмиз. Бу орқали қайси ҳудудда бўлмасин, журналистга тазйиқ ўтказиш ҳолати юз берса, унга, аввало, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиб, адвокат билан таъминлаш масаласи кўзда тутиляпти. Шуни айтиш керакки, биз нафақат мамлакатимизда, балки хорижда журналистлар билан боғлиқ юз бераётган воқеаларга ҳам муносабат билдириб келяпмиз.

— Президентимизнинг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида журналистларга тақдим этилиши назарда тутилган имтиёзлар масаласи ҳануз амалга ошмай келаётгани ҳақида нима дея оласиз?

— Оғриқли масала. Бу борада гапирганда, аввало, ушбу қарорнинг 2-банди, яъни уюшмага бино ажратиш масаласи ҳамон ечим топмаганини айтишни истардим. Айни қарорнинг 4-бандида эса, “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари уюшма билан биргаликда эҳтиёжманд ва фаол журналистларни имтиёзли ипотека кредитлари асосида уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлаш ишларини белгиланган тартибда йўлга қўйсин”, дейилган. Аммо қарорнинг мазкур банди ижроси ҳам тўлиқ таъминланмади. Бу борада уюшма томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлигига бир неча маротаба мурожаат қилинган бўлса-да, масала ечим топмаган. Қарорда кўрсатилган мана шу муҳим бандлар ижросини таъминлашга эришиш асосий мақсадимиз. Қолаверса, уюшма аъзоларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига доимий рўйхатга олиш бўйича уюшманинг ваколатли ташкилотлар қаторига киритилишини таклиф қилмоқчимиз. Шунингдек, журналистларнинг соғлиғини тиклаш масаласи ҳам эндиликда ижобий ҳал этилади. Уюшма томонидан журналистларимиз бу йил “Оқтош” оромгоҳига дам олишга юборилади. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида истеъдодли ёш журналистлар учун семинар ташкил этилади.

Яна бир масала. Миллий матбуот марказини том маънода журналистлар уйига айлантирмоқчимиз. Тўғри, бу ерда кўп қулайликлар мавжуд, асосийси, кутубхона, журналистлар бир пиёла чой устида суҳбат қуришлари учун имконият бор. Лекин моддий-техник базанинг бой эмаслиги туфайли журналистларни кенг қамраб ололмаяпти. Агар етарлича имконият ярата олсак, журналистлар ишдан сўнг муайян мавзу юзасидан суҳбатлашишлари, фикр алмашишлари мумкин бўлади.

— Журналистика соҳасида, айниқса, матбуотда малакали, етук кадрлар масаласи бирламчи. Соҳани етук кадрлар билан таъминлашда нималарга эътибор қаратиш лозим?

— Куни кеча уюшма билан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзоладик. Меморандумда битирувчи талабаларнинг ишга киришига кўмаклашиш, уларнинг таҳририятларда намунали амалиёт ўташи, тажриба ошириши учун “Устоз-шогирд” анъанасини тиклаш масалаларини ўз зиммамизга олдик. Эндиликда таниқли, тажрибали журналистларнинг маҳорат мактаблари ташкил қилинади. Улар уюшмадан маош олиш эвазига бўлажак журналистларга касб маҳорати, журналистика сирларини ўргатиб боради. Зеро, назария қачонки амалиёт билан чамбарчас боғлангандагина кадрлар салоҳияти тўлиқ намоён бўлади. Шу тариқа ёш журналист кадрларнинг малакаси, тажрибасини ошириш, профессионаллигига эришишимиз мумкин.

2022 йилда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар медиа тузилмалари вакиллари иштирокида Тошкентда халқаро форум ўтказишни режалаштирганмиз. Бундан ташқари, жорий йилда Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркия ва Ҳиндистон журналистлари уюшмалари билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш, Хитой, Жанубий Корея, Россия журналистлари уюшмалари билан келишилган ҳолда, бир гуруҳ журналистларни шу давлатларга хизмат сафарига юбориш кўзда тутилган. Буларнинг барчаси журналист кадрлар салоҳиятини ошириш, уларни замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш мақсадида ташкил этилмоқда, албатта.

— Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш борасида қандай ишлар ва чора-тадбирлар режалаштириляпти?

— Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоялаш энг долзарб масалалардан. Бу, асосан, видео ва аудиоконтентга тааллуқли. Ўзингиз ўйланг, кимдир бировнинг мулкини ўғирласа, уни ўғри деймиз. Журналист меҳнат қилиб, тунлари бедор бўлиб яратган ижодий маҳсулотни шундоғича кўчириб олиш ҳам ўғрилик, кўпол қилиб айтганда, қароқчилик деса ҳам бўлади. Шу маънода, плагиатликка қарши курашиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш ҳам режамизга киритилган. Бу борада жиддий иш олиб борамиз.

— Бошқа соҳа вакили бўлса-да, журналистикада самарали қалам тебратаётган, муваффақиятларга эришаётган, эркин журналист сифатида фаолият кўрсатаётганларга нисбатан уюшманинг муносабати қандай?

— Қонунчилигимизда журналист сўзига таъриф берилган. Журналист муайян бир таҳририятнинг штатида турган ҳамда журналистик маълумотга эга бўлган шахс. Бу амалдаги қонунда белгилаб қўйилган тушунча. Биз журналист шахсига шу тушунча бўйича қараймиз. Хўш, сиз айтаётган ахборот тарқатувчиларни биз қандай қабул қиламиз? Улар билан қандай ҳамкорлик қилиш назарда тутиляпти?

Қонунчилигимизда 2007 йилгача мустақил журналист деган тушунча бор эди. 2007 йилда “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши натижасида мустақил журналист институти барҳам топди. Мустақил журналист тушунчасига қонунчиликда аниқ таъриф берилмаган бўлса-да, ахборот тарқатиш билан боғлиқ шахслар тушунилади. Жумладан, блогерлар ҳам шундай, ОАВ штатида турмайди, журналистик маълумотга эга эмас. Лекин 2019 йилда уюшманинг аъзоликка қабул бўйича тасдиқланган низомига кўра, мустақил журналистлар ва блогерлар ҳам аъзоликка қабул қилинади. Негаки, энди янги-янги ахборот тарқатувчилар пайдо бўлаверади. Масалан, вайнерлар, блогерлар каби. Ишончли, тасдиқланган ахборотни тарқатар экан, биз уларни ўзимизнинг ҳамкоримиз сифатида қабул қиламиз. Жумладан, таниқли блогер, юрист Зафар Солижоновга Қорақалпоғистоннинг Мўйноғида амалга оширилаётган ишлар бўйича блогер нуқтаи назаридан алоҳида мақола тайёрлашни топширдик. Яна бир блогер Баҳодир Аҳмедовни юрист сифатида ишга таклиф қиляпмиз.

— Бугун ўзбек матбуотининг ҳаминқадарлиги ҳақида бот-бот қулоғимизга эшитилиб турган фикрларга муносабатингиз...

— Ўзбек матбуоти илдизи бақувват, забардаст матбуот. Зеро, Маҳмудхўжа Беҳбудийдан бошлаб Зиё Саид, Зиёд Есенбоев, Неъмат Ёқубов, Маҳмуд Саъдий, Абдулла Пўлатов сингари унинг тамал тошини қўйган кучли журналистлар бор. Ўз вақтида сўзнинг кучи, қудрати билан матбуотнинг жамиятдаги ўрнини яққол кўрсата олган бундай фахрий журналистлардан озми-кўпми сабоқ олган, уларнинг маҳорат мактабида чиниққан журналистлар бугун ҳам орамизда фаолият юритяпти. Фақат уларнинг улкан тажрибаси, маҳоратидан унумли фойдалана олиш, бугунги журналистикада ҳам акс эттира билиш даркор.

— Бу йилги байрам одатдагиларидан нимаси билан фарқланади? Журналистларга кўтаринкилик, шижоат бағишлаш учун қайси жиҳатларга эътибор қаратиляпти?

— Бу йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни жуда кўтаринки, янгича кўринишда нишонланмоқда. Шу пайтга қадар ҳар йили фаол журналистларни тақдирлаш учун 10 та асосий, 15 та рағбатлантирувчи мукофот белгиланар эди. Бу йил мустақиллигимизнинг 30 йиллиги муносабати билан 30 та мукофот ажратилди. Байрам ўтгани билан унинг шукуҳи кетмайди. Журналистлар ўртасида мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказиб борилади. Узоқ йиллар ишлаб, бугун кексалик гаштини сураётган отахон-онахон журналистларнинг ҳолидан ҳам мунтазам хабар олиб турилади. Уларнинг барчасининг рўйхатини шакллантирдик. Шунингдек, мустақиллик байрамига қадар ҳудудлардаги барча таҳририятларга бориб, уларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиш, моддий-техник базасини бойитишга ҳомийлар орқали бўлса-да, кўмаклашишни мақсад қилиб турибмиз.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур. Яна бир бор касб байрамингиз билан табриклаймиз.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Муножат МЎМИНОВА суҳбатлашди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

ЗАМОНАВИЙ МАСС-МЕДИАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон миллий матбуот марказида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида “Замонавий масс-медианинг долзарб муаммолари” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг таниқли журналистлари, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ректори, профессор Шерзодхон Қудратхўжа олиб борди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров, “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари бош муҳаррири Салим Дониёров, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар Муҳаммаджон Обидов, Фармон Тошев, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мультимедиа маркази раҳбари Бобур Алихонов, “Оила даврасида” газетаси бош муҳаррири Ҳусниддин Бердиевлар сўзга чиқиб, бугунги босма нашрлар олдидаги муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида ўз фикр ва ёндашувларини билдиришди.

— Бугун босма нашрларда жанрлардан фойдаланиш маҳорати етишмаяпти, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. — Таҳлилий мақолалар кам. Жанрлар хилма-хиллигини таъминлаш унга бўлган талабни ҳам оширади. Шу ўринда айтиш керакки, ҳудудларда фаолият юритаётган таҳририятларда ёшлар кам. Нашрлар юки деярли ёши катта журналистлар зиммасида. Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида аудиториянинг босма нашрларга талаби қониқарли эмас. Бу муаммоларнинг ечими ҳамон очиқ қоляпти.

Тадбирда босма нашрлар, телерадиоканаллар, интернет сайтлари дуч келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш чоралари, “ахборот истеъмолчилари” учун муҳим ва қизиқ контент яратишнинг синалган самарали усуллари борасидаги масалалар ҳам муҳокама қилинди.

— Бугун барча соҳада бўлгани каби журналистика ҳам катта ўзгаришларга юз тутмоқда, — деди ЎзЖОКУ босма ОАВ ва ноширлик иши факультети декани Акбар Нурматов. — Оммавий ахборот воситаларини хусусийлаштириш олдимиздаги устувор йўналишлардан бири бўлиб турибди. Нашрларнинг хусусий мулкчилик кўринишига ўтаётгани журналистикадаги янги-янги муаммо ва мақсадларни юзага чиқаряптики, буни илмий-амалий нуқтаи назардан муҳокама қилиб олиш айни муддао. Мазкур анжуманни олимлар ёки илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган ёшлар билан бирга тажрибали амалиётчилар, муҳаррирлар, таҳририятларнинг етакчи журналистлари, медиамарказлар директорлари, шунингдек, тадбиркорлар иштирокида ташкил қилдик. Амалиётчи журналистлар ва бош муҳаррирларнинг чиқишлари аудиторияда катта қизиқиш уйғотди. Саволлар ва таклифлар ўртага ташланди. Ҳар қандай муаммо муҳокама қилинсагина ечими топилади. Конференцияни ташкил этишдан мақсадимиз ҳам шу. Шунингдек, журналистларнинг замон билан ҳамнафас бўлиши, жаҳон медиамаконидаги жараён билан бирга одимлаш зарурати масалалари ҳам маърузачилар томонидан таҳлил қилинди.

Конференциянинг биринчи қисми якунида Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Тадбирнинг иккинчи қисми Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетида ташкил этилган ёшлар пресс клубида давом этди.

Башорат ОТАЖОНОВА

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТГА МОСЛАШТИРИЛГАН ЎЗБЕК КОМПЬЮТЕР ТИЛИ ЯРАТИЛДИ

Эндиликда кўзи ожиз шахсларнинг ўзбек тилидаги электрон матнлар билан мустақил ишлаш жараёнига оид муаммолар ҳал этилади ва уларнинг бандлиги таъминланади.

Ботир ЭЛОВ,
Тош ДЎТАУ "Ахборот технологиялари" кафедраси мудири, техника фанлари бўйича фалсафа доктори

Манзура АБЖАЛОВА,
Тош ДЎТАУ доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Айниқса, хорижий мамлакатларда ҳам бизнинг она тилимизни ўрганишга қизиқиш кучайгани барчамизни мамнун этади.
Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

МИЛЛИЙ ТИЛДАГИ ЗАМОНАВИЙ ДАСТУР ИШЛАНМАЛАРИГА ЭҲТИЁЖ КАТТА

Мазкур фармон билан "2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш Концепцияси" тасдиқланди ва унда давлат тилининг замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларига фаол интеграциялашувини таъминлаш, замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларидаги ўрнини кучайтириш, ўзбек тилидаги замонавий дастурий ишланмаларни яратиш масалалари белгиланди.

Ўзбек компьютер лингвистикаси XX аср охирларида шаклланган бўлиб, дастлаб, даврий нашрлар ва бир қанча бадиий адабиётларда энг кўп фойдаланилган сўзлар частотасини аниқлаб берадиган дастур ёрдамида илмий тадқиқот ишлари ва бир неча частотали луғатлар яратилишига эришилган. XXI асрнинг 20-йилларига келиб, амалий натижаларга эга тадқиқотларнинг амалга оширилиши, турли лингвистик дастурлар (автоматик таҳрир ва таҳлил, транслитерация, мобиль иловалари) яратилиши ва мамлакатимиз олий таълим муассасаларида (ТошДЎТАУ, ЎзМУ, СамДЧТИ, УрДУ) компьютер лингвистикаси мутахассислиги бўйича магистратура бўлимларининг очилиши билан тараққиёт йўлининг янги босқичига ўтилди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида 2020 йилда ташкил этилган "Компьютер лингвистикаси" мутахассислиги тилга оид масалаларни компьютер дастурлари орқали ҳал этиш мақсад қилинган таълим соҳаси ҳисобланади. Бунда ўзбек тилининг формал шаклини яратиш, сунъий интеллект учун ўзбек тилини моделлаштириш зарур саналади. Бу ҳолатда ҳар бир сўзнинг аниқ вазифаси ва семантикаси кўрсатилади, лингвистик қоидалар формал кўринишга эга бўлади. Шу боис, табиий тилни машина тилида акс эттиришда айнан компьютер лингвистининг ўрни беқиёс.

ТАРЖИМАДА АНИҚЛИК ВА АСЛИЙ ТИЛ ИФОДАСИ ЕТИШМАЙДИ

Университетда мазкур йўналишда "Компьютер лингвистикаси", "Машина таржимаси", "Табиий тилни қайта ишлаш/NLP", "Python дастурлаш тили", "Маълумотлар базаси" каби фанлар икки модул: лингвистик билимлар ва дастурий инжиниринг асосида ўқитилади. Ахборот технологиялари ва тилшунослик фанларининг бундай интеграцияси ўз натижасини беряпти. Яъни талабалар ушбу фанлар мақсадига мосланган лингвистик маълумотлар базасини шакллантириш бўйича кўникма ва малакага эга бўлмоқда.

"Навоий ғазаллари" мобиль иловаси



"Бобур ижоди" мобиль иловаси

Маълумки, Google, Yandex (Online) таржимон хизматларида ўзбек тили мавжуд, лекин ўзбек тили мазкур таржимон тизимлари хотирасида тўлиқ акс этмагани учун кўп ҳолларда аниқлик ва аслий тил ифодаси таржимада ўз ҳолича чиқмайди. Айтилган бир жумладаги сабабни бартараф этиш учун улкан ҳажмдаги машаққатли иш талаб қилинади. Шу боис, университетда компьютер лингвистикаси йўналишидаги рақамли тилшуносликни шакллантириш, ўзбек тилини сунъий интеллект учун моделлаштириш, миллий тил ва унинг хусусий корпусларини ҳамда янги авлод электрон луғатларини яратиш каби ишларни амалга ошириш мақсад қилинган.

Ушбу вазифалар ижроси юзасидан ҳам илмий, ҳам амалий изланишлар олиб борилмоқда ва саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётир. Жумладан, Ubuntu Linux операцион тизимида матнларни таҳрир ва таҳлил қилувчи дастур яратилди. Эндиликда Microsoft Office тизимида унинг лингвистик базасини киритиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

КЎЗИ ОЖИЗЛАР УЧУН ЎЗБЕК НУТҚ СИНТЕЗАТОРИ ЗАРУР ЭДИ

Президентимизнинг 2021 йил 17 февралдаги "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига биноан ва "Рақамли Ўзбекистон — 2030" Стратегиясига асосан, сунъий интеллект тизимини яратишни ижтимоий-гуманитар соҳада ҳам жадаллаштириш мақсад қилинган. Бугун белгиланган устувор вазифалар бўйича бир қанча амалий лойиҳалар бажарилмоқда. Жумладан, "Кўзи ожиз шахслар учун компьютер техникасидан фойдаланиш, матнларни ўқиш ва ёзиш имконини берувчи ўзбек тилига асосланган гапирувчи дастурий таъминот ва овоз синтезаторини ишлаб чиқиш" амалий лойиҳаси натижасида нейротармоққа асосланган матнларни автоматик тарзда овозлаштириб берувчи ўзбек нутқ синтезатори (Text to Speech/TTS) яратилишига эришилди.

Мазкур нутқ синтезатори ёзма матнларни автоматик тарзда овозлаштириб бериш имкониятига эга. Эндиликда кўзи ожиз шахсларнинг ўзбек тилидаги электрон матнлар билан мустақил ишлаш жараёнига оид муаммолар ҳал этилади ва уларнинг бандлиги таъминланади.

Нутқ маданиятининг асосий белгиларидан бири — тўғри талаффуз. Бу борадаги муаммолар сўзлардаги урғунинг ўзбек тилида акс этишида намоён бўлади. Маълумки, муайян тилга ўзлашган сўзлар ушбу тил табиати ва қонуниятларига мувофиқ, қайта тикланишга мойил бўлади. Бу ҳолат ўзлашган сўзлар тилнинг лексик қатламидан ўрин олишига сабаб бўлади. Масалан: *моносемия* (рус тилида) — *моносемия* (ўзбек тилида), *мускул* (рус тилида) — *мускул* (ўзбек тилида). Кўриниб турибдики, асл манбадаги сўзда урғунинг сақланиб туриши байналмилал сўзни ўзлаштиришни мураккаблаштириши мумкин. Шу каби жиҳатлар эътиборга олиниб, университет компьютер лингвистлари томонидан турли соҳа ва ижтимоий тармоқда кенг қўлланувчи 11000 та ўзлашма сўзни қамраган "Ўзбек тилидаги ўзлашма сўзларнинг урғули луғати" нашр қилинди. Луғат ўзбек тилидаги мулоқот жараёнида ўзлашма сўзлар урғусининг ифодаланиши билан юзага келадиган нутқий хатоларни бартараф этишда ўзига хос ўрин тутади, ўзбек нутқ синтезатори ва нутқни таниш дастури учун нутқ корпуслари ҳамда лингвистик моделларни ишлаб чиқиш, автоматик таҳлил ва автоматик таржима дастурларини яратишда қимматли лексикографик манба сифатида хизмат қилади.

ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҲАМИША ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Ана шундай лойиҳалардан яна бири **"Ўзбек тилининг таълимий корпусини яратиш"** мавзусидаги грант лойиҳаси бўйича белгилаб олинган вазифалар асосида университет илмий жамоаси томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳа натижасида Учинчи Ренессанс даври учун умумтаълимий восита сифатида хизмат қилувчи таълим корпусининг яратилишига эришилади. Таълим корпусини замонавий электрон дарслик, 13 турдаги филологик луғатлар ва ўзбек тилининг бошқа тилларда муқобили бўлмаган, таржима қилинмайдиган лексик бирликлари — миллий-маданий сўзларнинг изоҳли луғатлари, ўзбекча тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантиришга қаратилган лексикографик мобиль иловалар ҳамда мультимедиа маҳсулотлари мажмуаси сифатида яратишга эътибор қаратилган.

Маълумки, тил ўргатиш кенг кўламли меҳнат талаб қилади. Айни пайтда замонавий ўқувчининг талаб ва эҳтиёжига кўра, инновацион таълим технологиясини яратиш долзарб масалага айланди. Ана шу масаланинг ечими сифатида ўзбек тилини турк, қозоқ, қирғиз, озарбайжон ва татар миллати вакилларига ўз тилларида ўргатишга йўналтирилган **"Туркий тилларнинг лингводидактик электрон платформасини яратиш"** амалий лойиҳаси устида қизғин фаолият олиб борилмоқда. Асосий мақсад компьютер технологиялари орқали мазкур туркий тилларда ўзбек тили табиатини намоён этиш ва ўзбек тилининг матнли ҳамда овозли суҳбат

жараёнларини креатив график дизайнда ифодалаш, халқ оғзаки ижоди қаҳрамонлари билан боғлиқ мультимедиа воситаларининг бошқа туркий тиллардаги талқинини ягона платформада тақдим этишдан иборат. Бунда тил ўргатиш ва маънавий меросимизни электрон платформа орқали оммалаштириш эътиборга олинган.

Университет профессор-ўқитувчиларининг мақсадли йўналтирилган онлайн тарғибот-ташвиқотлари туфайли талабалар бугунги кунда "Навоий ғазаллари", "Бобур ижоди" ва бир қанча ўқув фанлари, бадиий адабиётлар бўйича мобиль иловалар ҳам яратиб фойдаланишга топширмоқда.

Шунингдек, Компьютер лингвистикаси иқтидорли магистрантлари томонидан Алишер Навоий шахси ва ижодини намоён этувчи махсус сайт *(http://alisher.navoiy-uni.uz/)* яратилди.

Бугунги кунда компьютер лингвистларига талаб жуда юқори бўлиб, улар академик фанлар соҳаларида, ахборот технологиялари ва иқтисодиётнинг юқори технологияли каби соҳаларида ҳам фаолият юритиш ваколатига эга. Компьютер лингвистикаси соҳаси мутахассислари филологик дастурларни яратувчи ва улар устида иш юритувчи инновator мутахассислар сифатида юртимиз олий таълим муассасаларида, туристик ахборот марказларида, давлат ва нодавлат

нашриётларида, "Электрон ҳукумат"да, давлат ва шаҳар кутубхоналари тизимларида фаолият олиб боришлари мумкин.

Университетда ўзбек тили ва замонавий ахборот-технологияларини уйғунлаштириш, компьютер лингвистикаси ҳамда рақамли ноширликни ривожлантириш замирида миллий тилимизнинг дунё миқёсдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва маънавий меросимиз нуфузини янада оширишдек олий мақсад ўз ифодасини топган.

БОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР

Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида "Термизий уламоларнинг ислом тамаддуни ва жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро онлайн анжуман ўтказилди.

ТЕРМИЗИЙЛАР МЕРОСИ ДУНЁ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

Музаффархон ЖОНИЕВ,
Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори ўринбосари, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Тадбир Президентимизнинг 2017 йил 14 февралдаги "Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш вазифасини бажаргани билан эътиборга моликдир. Мазкур қарорда Имом Термизий ва термизий алломаларнинг бой меросини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида хорижий илмий марказлар, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, халқаро конференция, симпозиум, кўргазма, илмий маърузалар, семинар-тренинглар, танловлар ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Анжуманда мамлакатимиз вакилларидан ташқари Буюк Британия, Туркия, Миср, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Россия, Қозоғистон каби давлатлардан термизийшунос ва исломшунос олимлар иштирок этди.

Анжуман давомида Имом Термизийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси, термизий алломаларнинг илмий меросини ўрганиш, уларнинг жаҳон илм-фан цивилизацияси ривожида тутган ўрни, илмий меросининг ҳозирги даврдаги аҳамияти, ислом цивилизациси ривожида буюк алломаларимизнинг хизматларига оид мавзулар муҳокама қилинди.

— Термиз ислом дунёси тарихининг илк даврларидан бошлаб интеллектуал ва маънавий ютуқлар бешиги бўлган, — деди Ислом тарихи, санъати ва маданиятини тадқиқ қилиш маркази (IRCICA) бош директори Маҳмуд Эрол Қилич ўз маърузасида. — Бу заминдан Қуръони карим тафсири, ҳадисларни йиғиш ва илмий асосда ўрганиш, тасаввуф назарияси билан боғлиқ фундаментал асарлар ёзган термизийлар етишиб чиқди.

— Қадим карвон йўлларида жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Термиз, Марғилон ва Урганч шаҳарлари дунё тарихини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги аҳамиятга эгадир, — деди Ҳиндистон Халқаро ислом академияси профессори Абузар Хаирий. — Негаки, ушбу шаҳарлар дунёга Имом Бухорий, Имом Абу Исо Термизий, Ҳаким Термизий, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Бурхониддин Марғиноний каби кўплаб таниқли шахсларни тақдим этди.

Анжуманда маъруза қилган "Ал-Азҳар" университети профессори Шайх Маҳмуд Абдурраҳмон: "Қадимда дунёнинг турли ҳудудларида яшаётган мусулмон олимлари Қуръони карим, ҳадис, фиқҳ, калом каби илмларда доимо Мовароуннаҳр алломалари билан якдиллиқда ҳаракат қилишган. Бу борада бугунги Ўзбекистон барчамизга ўрнак бўлган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган Имом Бухорий, Имом Термизий ва Имом Мотуридий каби алломалар номидаги илмий-тадқиқот марказлари орқали етакчилик қилмоқда", дея қайд этди.

Дарҳақиқат, нуфузли олимлар эътироф этганидек, диний-маърифий соҳадаги ислоҳотларда Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳам ҳозирданоқ ўзига хос таянч масканига айланиб бораётгани келажакда, албатта, термизийлар анъанаси тикланишига ва жаҳон миқёсида яна бир порлоқ илм маёғи юзага келишига ишонч уйғотади.

Анжуман доирасида Абу Исо Муҳаммад Термизийнинг шоҳ асари бўлган "Сунани Термизий"нинг ўзбек тилидаги таржимасининг тўлдирилган ва қайта нашри, "Буюк Термизийлар", "Термизнинг безавол қалъалари ёхуд Термиз тарихи", "Имом Абу Исо Муҳаммад Термизий", "Термизий алломалардан олтин ўгитлар", Абу Жаъфар Термизийнинг "Тафсири Абу Нуъайм Хуросоний", "Буюк термизийлар" рукни остида чоп этилган рисолалар ҳамда бошқа кўплаб китоблар тақдимоти ўтказилди.

"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 2097.
78817 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова
Мусаҳҳиҳ: Малоҳат Мингбоева

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 01:20 Топширилди — 01:50

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru